

# **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИ КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**Рахмонов Азиз Искандарович**

СамИСИ, Иқтисодиёт назарияси кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ёритилган бўлиб, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ЯИМ, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, транспорт, туризм, меҳмонхона, умумий овқатланиш.

## **ANALYSIS OF SERVICE INDUSTRY INDICATORS IN SAMARKAND REGION**

**Rakhmanov Aziz Iskandarovich**

teacher of the department of economic theory, SamIES

**Annotation:** The article covers the socio-economic importance of the service sector and analyzes the indicators of the service sector in the Samarkand region.

**Keywords:** GDP, service, service sector, trade, transport, tourism, hotel, catering.

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳасида жадал ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. “Хизматлар соҳасининг жаҳон ЯИМдаги улуши охирги 25 йилда 54,2% дан 65,0% га етиб, кўрсатилган хизматларнинг ҳажми 3,1 баробарга ва соҳада банд аҳолининг улуши 38,0% дан 50,6% гача ошган. Шу даврда ЯИМдаги саноатнинг улуши 31,9% дан 24,8% гача, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари esa 7,6% дан 3,5% гача қисқарган”<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда бирон бир давлатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш

<sup>1</sup> Jahon banki ma'lumotlari, 2020.

учун яратилаётган миллий иқтисодиёти ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 65-80 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, жаҳон мамлакатларида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг 40,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келмоқда<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш ва самарадорлигини ошириш, соҳага бошқарувнинг замонавий тизимини ва рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон - 2030» стратегиясида “Худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш” мақсади кўйилган бўлиб, унга эришиш учун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган<sup>3</sup>:

- Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини З бараварга ошириш
- Ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, IT, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш
- Шаҳарсозлик лойиҳалари асосида зарурий инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум бўлган кўчаларнинг 233 мингта бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш орқали савдо, майший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш
- Ўрта ва йирик шаҳар марказларида хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказий кўчаларни ташкил этиш орқали 36 мингта савдо ва сервис обьектларини ташкил этиш


<sup>2</sup> <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони 1-иловаси

- «Янги Ўзбекистон» массивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида 6 мингта савдо ва сервис объектларини қуриш
- Етакчи лойиха ташкилотларини жалб қилиб, бозорларни замонавий, қулай барча хавфсизлик талабларига жавоб берадиган савдо комплексларига айлантириш.

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ўз навбатида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирининг янгича услуг ва воситаларини тақозо қиласи. Хизмат кўрсатиш соҳаси, бир томондан, миллий иктисадиётнинг бошқа соҳа ҳамда тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланишига катта таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ривожланиш имкониятлари ҳамда истиқболлари бошқа соҳа ва тармоқлар динамикаси билан белгиланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши қанча юқори бўлса, мамлакат ахолисининг турмуш даражаси ва сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистон ва Самарқанд вилояти ЯИМ (ЯҲМ)да хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 1-диаграммада келтирилган.



**1-диаграмма. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуси, фоизда<sup>4</sup>**

Келтирилган 1-диаграммадан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 2019 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуси 36,4 фоизни ташкил қилган бўлса, охирги уч йил мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуси муттасил ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. Мамлакатимиздаги каби Самарқанд вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш ҳажми барқарор ўсиб борган. Жумладан, 2019 йилда – 31,2 фоиз, 2021 йилда – 35,9 фоиз ва 2023 йилда эса – 39,2 фоизгача ўсишга эришган. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 65 фоизни ташкил этишини ҳисобга олиб, республикада ва вилоятда ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш ва унинг мамлакат ЯИМ (ЯҲМ) таркибидаги улушини янада ошириш лозим. Мамлакатда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар ҳам айнан шунга қаратилган.

Хизмат турларини ривожлантириш - мамлакат иқтисодиётини ривожланишига асосий ҳисса қўшади. Хизмат сифатини ошириш ва ривожлантириш бугунги кун кўрсатилаётган хизматнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади. Ушбу соҳани иқтисодиётда қандай ҳолатда эканлигини аниқлаб, таҳлил қилиш лозим. Шу сабабли бизлар Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолатини таҳлил қилдик (1-жадвал).

### 1-жадвал

<sup>4</sup> <https://stat.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланди

**Самарқанд вилояти ҳудудлари кесимида қўрсатилган бозор**

**хизматларининг 2023 йилдаги ҳолати<sup>5</sup>**

<b>Ҳудудлари номи</b>	<b>Ҳажми</b>			<b>Аҳоли жон бошига</b>	
	Млрд.сўм	2022 й.га нисбатан ўсиши %да	Жамига нисбатан улуши, %да	Минг.сўм	2022 й.га нисбатан ўсиши %да
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>28 992,0</b>	<b>113,7</b>	<b>100,0</b>	<b>6 963,5</b>	<b>111,2</b>
Самарқанд ш.	12665,4	114,1	43,7	21 874,7	111,8
Каттакўрғон ш.	651,2	111,4	2,2	6 913,4	109,6
Оқдарё	877,5	110,8	3,0	5 125,8	108,1
Булунғур	767,6	111,2	2,6	3 843,7	108,8
Жомбой	1206,0	111,4	4,2	6 442,1	108,7
Иштихон	997,0	110,9	3,4	3 652,1	108,6
Каттакўрғон	1042,8	111,1	3,6	3 584,6	108,9
Қўшработ	559,0	110,8	1,9	3 978,5	108,6
Нарпай	930,5	110,7	3,2	4 128,4	108,7
Пайариқ	1009,5	111,0	3,5	3 737,6	108,4
Пастдарғом	1769,8	111,0	6,1	4 668,3	108,6
Пахтачи	627,2	110,8	2,2	4 150,7	109,2
Самарқанд	2206,4	124,0	7,6	8 168,8	121,4
Нуробод	546,0	110,9	1,9	3 391,0	108,7
Ургут	1841,3	111,9	6,4	3 332,6	109,2
Тайлоқ	1294,8	119,2	4,5	5 928,7	116,3

Келтирилган 1-жадвал маълумотлари асосида қўйидаги хуносалар қилинди:

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги Самарқанд вилоят статистика бошқармаси расмий сайті <https://samstat.uz/uz/> маълумотлари асосида ҳисобланди

- таҳлил олиб борилган 2022-2023 йилларда вилоятда хизматлар ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, хизматлар ҳажми 2022 йилдаги

22953,6 млрд.сўмдан 2023 йилга келиб 6038,4,0 млрд.сўмга ошиб, 28992,0 млрд.сўмни ташкил қилди.

- хизмат кўрсатиш ҳажмлари вилоятнинг барча ҳудуларида 2023 йилда 2022 йил билан таққослагандан ўсишга эришган. Самарқанд вилояти ҳудудлари орасида 2022 йилга нисбатан 2023 йилда энг юқори ўсиш суръатлари Самарқанд тумани – 24,0 фоиз, Тайлөқ тумани – 19,2 фоиз ва Самарқанд шаҳрида – 14,1 фоиз кузатилди.

- Вилоят ҳудудлари орасида жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Самарқанд шаҳри (43,7%), Самарқанд (7,6%), Ургут (6,4%), Пастдарғом (6,1%) ва Тайлөқ (4,5%) туманларининг улушлари юқорилигича сақланиб қолмоқда.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд шаҳрида 21874,7 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,8 % ни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли ўсиши Самарқанд (121,4 %) ва Тайлөқ (116,3%) туманларида кузатилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Ургут (3332,6 минг сўм), Нуробод (3391,0 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасининг йил сайин ўсишига, албатта хизмат кўрсатиш тармоқларининг кўпайиши ва замонавий турларининг пайдо бўлиши ҳам асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис, бизлар таҳлилнинг кейинги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари таркибини Самарқанд вилояти бўйича таҳлил қилишни лозим топдик (2-жадвал).

## 2-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2023 йилда хизмат кўрсатиши соҳасининг  
тармоқлари таркибий таҳлили<sup>6</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ҳажми, млрд.сўм</b>	<b>2022 й.га нисбатан, %да</b>	<b>Якунга нисбатан,%да</b>
<b>Хизматлар – жами</b>	28992,0	113,7	100,0
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	1318,4	121,4	4,6
молия хизматлари	4541,0	115,5	15,7
транспорт хизматлари	6805,1	110,5	23,5
шу жумладан: автотраспорт хизмати	6180,5	109,3	21,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1717,5	130,9	5,9
савдо хизматлари	7511,1	109,4	25,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	681,7	111,3	2,4
таълим соҳасидаги хизматлар	1578,7	127,9	5,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	585,2	111,3	2,0
ижара хизматлари	771,3	107,9	2,7
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	821,3	110,0	2,8
бошқа шахсий хизматлар	1286,9	110,5	4,4

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги Самарқанд вилоят статистика бошқармаси расмий сайті <https://samstat.uz/uz/> маълумотлари асосида ҳисобланди

мейморчилик, мұхандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	477,5	119,5	1,6
бошқа турдаги хизматлар	896,3	117,4	3,1

Келтирилган 2-жадвал маълумотлари ҳисоб-китоби шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (130,9 фоиз), таълим соҳасидаги хизматларда (127,9 фоиз) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида (121,4 фоиз) 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати юқори бўлди. Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 25,9 % - энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади. Шунингдек, транспорт хизматлари – 23,5 %, молиявий хизматлар – 15,7 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 5,9 % ҳамда таълим соҳасидаги хизматлар – 5,4 % кўрсаткич билан юқори улушни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган таҳлил маълумотларидан Ўзбекистонда, хусусан Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини жаҳон талаблари асосида ривожлантириш, соҳанинг инновацион асосларини кучайтириш, хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва шаклларини кенг жорий қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали микро ва макро даражада барқарорлик кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш каби йўналишларда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилгани аниқланди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бундай ижобий ўсиш тенденцияси - вилоят ва мамлакат иқтисодиётининг асосий макроиктисодий кўрсаткичи ҳисобланадиган ЯҲМ ва ЯИМ ҳажмининг ҳам кўпайишига хизмат қиласи. Бундай ижобий ҳолатни келгусида ҳам

сақлаб қолиш чора-тадбирларини қўриш, бугунги турли инқирозлар шароитида ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ти ПФ-158-сонли Фармони
2. Mc Connell, Bruc. Economics. 19<sup>th</sup> edition. McGraw-hill/Irvin, USA, 2014
3. N.Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7<sup>th</sup> edition. Amazon, USA 2014.
4. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19<sup>th</sup> edition. McCraw- Hill Companies. USA. 2009
5. Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – Т.: “Barkamol fayz media” 2017. - 783 – bet.
6. O’lmasov A., Vahobov A.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – Т.: “Iqtisod- Moliya” 2014.-480 – bet